

ШАРТНОМА №150142

(Машина-механизм ва автотранспорт хизматини кўрсатиш ҳақида)

Лот-22110012150142

«23» сентябрь 2022й

Яккабоғ т.

«Буюртмачи» Яккабоғ туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ўз низоми асосида иш юритувчи директор **К.Махкамов** бир томондан ва иккинчи томондан **“NEW KESH TRANSPORT” МЧЖ** бундан кейинги ўринларда корхона низоми асосида иш олиб борувчи «Бажарувчи» номидан **А.Тураев** Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосланиб, қуйидаги тартибда шартнома туздилар.

1. Шартнома предмети ва баҳоси.

№	Арендага бериладиган техника номи	Ижара муддати	сони	Шартнома нархи	Шартнома суммаси
1	Автосамосваль Чакман 25тн	бир ой	1 дона	45 000 000	45 000 000
	Жами				45 000 000

1.1.«Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг қурилиш ишларини бажариши учун машина-механизмлари билан хизмат кўрсатади .

1.2.«Буюртмачи» «Бажарувчи» машина-механизмлари томонидан бажарилган иши учун ўз вақтида тўловни амалга оширади.

1.3.Жами шартнома қиймати 45 000 000,00 (**Қирк беш миллион**) сум.

2. Буюртмачи мажбуриятлари.

2.1.«Буюртмачи» «Бажарувчи» машина-механизмларини тулик иш билан таъминлайди. Бекор туриб қолишига йўл қўймайди. Объектда иш юритувчи томонидан кунлик машина-механизми учун ҳисоб варағи маш/час(ТГН) юритади, ёнилги ҳисоби ҳамда бажарилган иш ҳажми ҳисобидан маълумотнома тақдим этади. «Буюртмачи » тўловни шу маълумотномага ташилган юкга маш/час(тн.км) нисбатан амалга оширади.

2.2. «Бажарувчи»нинг машина-механизмлари бажарган иш ҳажми маш/час (тн.км) учун ойма-ой тўловни ўз вақтида ойма-ой тўлаб боради.

2.3. Буюртмачи биржа савдоларида голиб чиққан ташкилот билан олдиндан 30% микдорида тўловни амалга оширади .

3. Бажарувчи мажбуриятлари.

3.1.«Бажарувчи» ўз машина-механизмларини ишчи ҳолатида булишини ҳамда, техника хавфсизлиги санитария талабларига жавоб берган ҳолда қурилиш монтаж ишларида узилиш булишига йўл қўймасликни таъминлаш;

3.2. «Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан тасдиқлаб берилган иш ҳажми(тн.км) ва реестри, экспертиза ҳулосасига асосан ҳисоб-фактурани ўз вақтида тақдим этади ва «Буюртмачи»нинг ички бухгалтерия ҳисобларининг кечикишига йўл қўймайди.

4. Тарафларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

4.1.Тарафлар шартнома шартларининг бажарилганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун мулкӣ жавобгардирлар.

5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

5,1. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

5,2. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимдари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рұхсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишининг тақлиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар

мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа молмулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолатбўйичабир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

5.3. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

-коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурат доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1. Ушбу шартнома бўйича юзага келадиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий баъзаси тўғрисида»ги 29.08.98 йилги ва бошқа амалдаги қонунлар асосида иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилиб ҳал қилинади.

7. Бошқа шартлар .

7.1 «Буюртмачи» томонидан ёқилги мойлаш материаллари билан таъминланади

7.2. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилиб, тарафларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилади.

7.3. Шартнома имзоланган кундан бошланиб, 31-декабрь 2022 йилгача давом этади.

Юридик манзилгоҳлар ва тўлов реквизитлари.

Б У Ю Р Т М А Ч И	Б А Ж А Р У В Ч И
“Яккабоғ туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси” УК	“NEW KESH TRANSPORT” МЧЖ
Яккабоғ ш. Саховат кучаси 5-уй Ҳазначилик ШХР: 4700 1086 0102 5070 4519 311 8001 ИНН: 200708679 МФО: 00014	Шахрисабз т, Мевазор МФЙ, Муминобод х/р: 20208000305379137001 АТ «Халк банки» Шахрисабз ф-ли
Молия вазирлиги Ҳазначилиги х/р: 23402000300100001010 ИНН 201 122 919	МФО: 00690 ИНН: 308418176
Банк номи: Тошкент Марказий банк	
ОКЭД:	
Директор:  К.Махкамов	Директор:  А.Тураев
Яккабоғ ТИФУК юристи 	



Yundik shaxs (tadbirkorlik subyektni) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'nsida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"NEW KESH TRANSPORT" Mas'uliyati cheklangan jamiyati

(Yundik shaxsning - tadbirkorlik subyektlarining tashkiliy-huquqiy shakli to'rtinchi bo'limdagi to'liq nomi)

"NEW KESH TRANSPORT" MChJ

(Yundik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotini o'zgartirish)

21.04.2021

980667

ro'yxat raqamini yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

Shaxs ro'yxatidan o'tkazilganligi

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

308418176

Tashkiliy-huquqiy
shakli

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi

Qashqadaryo viloyati, Shahrisabz tumani, MEVAZOR MFY, MO'MINOBOD
QISHLOG'I

Guvohnoma


Qashqadaryo viloyati, Shahrisabz tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

komandan
berilgan

(Davlat ro'yxatidan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Яккабоғ ТЙФУК директори:



К. Махкамов

Яккабоғ шаҳри

23.09.2022 йил

Яккабоғ туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонасида техника хизмат курсатиш учун танлов асосида шартнома тузиб сотиб олишни ташкил қилиш комиссиясининг

ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ:

Комиссия раиси КУК раиси:	У.Файзиев
АЪЗОЛАРИ:	
ПТО бошлиғи:	Ю.Абдиев
Бош механик:	О.Тохиров
Бош мутахасис:	У.Амируллаев
Иктисодчи:	С.Худойбердиев

Кун тартибидаги қурилган масала






Ташкилот қуриш ишларини бажариш учун қурилиш ишларида автосамосвал хизматини олиш учун 2022 йил сентябрь ойида етказиб берувчи ташкилотлар билан шартнома қилиш ва шартнома тасдиқлаш тугрисида.

Комиссия томонидан конкурсда катнашган томонларни таклифларини қуриб чиқиб автосамосвал 25 тн хизмати билан таъминлаш буйича 2 та хусусий корхона катнашганини эълон қилади улар қуйидагича.

Танлов конкурс буйича 2022 йил 20 сентябрь кунда лот № 150142 сонли пратакол эълон қуйилган кийин 2 та ташкилот узини таклифлари билан катнашди ва юқори балл NEW KESH TRANSPORT МЧЖ олди ва 2 кун муҳокамада қуйилди ҳамда бошқа эътирозлар булмагандан кийин NEW KESH TRANSPORT МЧЖ билан шартнома имзоланди.

ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. NEW KESH TRANSPORT МЧЖ голиб деб топилсин.
2. NEW KESH TRANSPORT МЧЖ томонидан тавсия қилинган автосамосвал 25 тн хизмат курсатиш учун ПТО бошлиғи Ю.Абдиев зиммасига топширилсин.
3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш бош ҳисобчи Ф.Остонов зиммасига юклансин.

Комиссия раиси:		У.Файзиев
АЪЗОЛАРИ:		
ПТО бошлиғи:		Ю.Абдиев
Бош механик:		О.Тохиров
Бош мутахасис:		У.Амируллаев
Иктисодчи:		С.Худойбердиев